

UDK 808.5

*O.R.Abdukhamidova, teacher,
I.M.Rakhmonberdieva, student,
Ferghana State University,
Uzbekistan, Fergana city*

*O.P.Абдухамидова, ўқитувчи,
И.М.Рахмонбердиева, талаба,
Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона ш.*

*O.P.Абдухамидова, преподаватель,
И.М.Рахмонбердиева, студент,
Ферганский государственный университет,
Узбекистан, г.Фергана*

THE EMERGENCE OF THE ENGLISH DICTIONARY

Annotation: history of the English dictionaries has given in this article

Keywords: english, speech, grammar, pedagogy.

Аннотация: Мазкур мақолада инглизча лугатларнинг пайдо бўлиши тарихи берилди

Калит сўзлар: инглиз тили, нутқ, грамматика, педагогика.

ПОЯВЛЕНИЕ АНГЛИЙСКОГО СЛОВАРЯ

Аннотация: В этой статье изложена история английский словарь

Ключевые слова: английский, речь, грамматика, педагогика.

Инглизча лугатнинг пайдо бўлиши узоқ ўтмишга бориб такалади. Икки тилли: инглизча-лотинча, инглизча-французча, инглизча-немисча лугатлар XVасрда пайдо бўлган. Қийин сўзларни баён қилувчи 1-луғат 1604 йилда

олим Роберт Кавдри томонидан ёзилган. Умактаб ўқувчилари учун ҳам луғат ёзган.

Инглиз олими ва ёзувчи Нафант Бэйлей 1771 йилда инглиз сўзлари тарихини баён этувчи биринчи этимологик луғат нашр этди. У биринчи илмий луғат эди.

1775 йилда яна бошқа бир машҳур инглиз олими Самуэл Жонсон тушунтириб берадиган луғат ёзди. Унинг луғатидаги ҳар бир сўз тушунарли тарзда ёзилиб, мисоллар билан изоҳлаб берилган. Мазкур луғат катта бир ютуқ бўлган эди ва у қўп мамлакатларда луғатшуносликни ривожлантиришга таъсир кўрсатди.

1858 йилда инглиз тилшунослар жамоа аъзоларидан бири Д. Тренг тилда мавжуд бўлган барча сўзларни ўз ичига олган бир луғат тайёрлаш кераклиги тўғрисида фикр билдириди. Тилшунослар жамоаси луғат тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилди ва ишни бошлади. Бу масалада минглаб одамлар қатнашиб, сўзларни йиғиб чиқдилар ва ниҳоят 6 йилдан сўнг, 1884 йилда 1-жилди нашрдан чиқди. У “A” ва “B” ҳарфлар билан бошланган сўзларни ўз ичига олган мазкур луғатнинг охирги жилди қарор қабул қилинганидан 70 йилдан сўнг яъни 198 йилда нашр этилди. Луғат NED деб аталди ва у 1 жилдан иборат эди.

Луғат 1933 йилда Oxford English Dictionary- Оксфорд инглиз луғати номи билан қайта нашрдан чиқди, чунки луғат устида иш Оксфордда олиб борилган эди. У 13 жилдан иборат эди. Олимлар луғат устида жуда кўп иш олиб бордилар ва луғатнинг нусхасини қисқартириб: “A Shorter Oxford Dictionary”- Оксфорд инглиз қисқа луғатини 2 жилдан иборат қилиб ташкил этдилар. Улар фақат замонавий сўзлардан ташкил топган қисқа жилдли “A Concise Oxford Dictionary”- Оксфорд қисқа инглизча луғатни ҳам тайёрладилар.

XVIII асрнинг охирида Америка луғатшунослиги ривожлана бошлади. Энг машҳур Америка-инглиз луғати Ноах Вебстер томонидан ишлаб чиқилди. У фаол давлат ва жамоат арбоби эди. У 1- луғатини 1806

йилда нашр қилган. У лугат билан шуғулланган ва 1828 йилда икки жилдли луғат нашр этган. У инглиз ёзуви ва транскрипциясини соддалаштиришга ҳаракат килди. У транскрипциянинг алфавит системаси билан таништиришга, транскрипция белгиларининг ўрнига ҳарфларни ва уларнинг бирикмаларини ишлатган. У ёпиқ ва очиқ бўгинда унлиларнинг мослашишини кўриб чиқди.

Юкорилардан маълумки лугатшунослик йигма лугат ҳакидаги фандир. Замонавий инглиз лугатшунослиги XV асрда пайдо бўлган. Бу давр ичида инглизча-лотинча лугатлар мавжуд эди. Янги инглизча лугат ёки Оксфорд инглизча лугат 1888 йилдан 1928 йилгача ёзилган. У тарихий далилларга тўла инглизча сўзларни ўз ичига олиб, мукаммаллаштирилган.

Лугатларнинг икки: энциклопедик ва лингвистик тури мавжуд. Энциклопедик лугат экстрадингвистик дунё ҳакидаги маълумотларни беради. У таълимнинг барча тармоқлари, ҳайвонлар ва муҳим хабарлар ҳакида маълумот беради. У сўзлар билан эмас, балки фактлар ва фикрлар билан тўлдирилган.

Лугатларнинг асосий тури мавжуд бўлиб, улар: умумий ва маҳсус луғатлардир. Умумий лугатлар изоҳли ёки бир ва икки тилли таржима луғатларига бўлинади. Энг яхши танилган изоҳли лугат икки жилдли

“A Shorter Oxford Dictionary”- Инглизча қисқа Оксфорд луғати ва бошкалардир.

Таржима луғатлари бир тилда сўзни таснифи ва уларнинг бошка тилдаги эквивалентларидан иборатдир. М: профессор, А.И.Смирнитский таҳрири остидаги русча- инглизча луғат, Миллер, Янги инглизча-русча луғат, И.Р.Гальперин, инглизча- русча чўнтак луғат, Бернюк, Чернюк, инглизча- ўзбекча луғат, Ж.Бўронов, К.Р.Раҳмонбердиев ва бошкалар. Таржима луғатлари тилларни қиёслаб ўқитишга асосланган бўлади.

Умумий луғатлар ичида чет тилни ўрганувчилар учун мўлжалланган “Learner’s Dictionary”-ўрганувчи учун луғатни учратамиз. М: ”The Advanced Learner’s Dictionary of Current English”, Хомби, Гаптени. Унинг бошка

луғатлардан фарқи шуки, у сўзларнинг лексик ё грамматик валентлиги ҳакида маълумот беради. “The Learner’s English -Russian Dictionary ”, Фаломкина, Вайзер деярли 3.500сўзни ўз ичига олади. Махсус лугатлар бизга сўзларнинг маълум бир хусусиятлари ҳакида маълумот беради. М:синонимлар, этиология, талаффуз, фразеологик бирикма ва бошкалар. Синонимлар ҳакидаги энг зўр лугат “Dictionary of English synonyms Expressions” -Инглизча синонимларни ифодаловчи лугат, муаллиф, Соул, ва Вебстр. Энг яхши “English -Russian Phraseological Dictionary ”, А.Б.Кунин, “The Oxford Dictionary of English Proverbs”, Коллиндир.

Юқорида кўрсатилган лугатлардан фойдаланиш инглиз тилини ўрганувчилар учун тилни мукаммал ўрганишларида ва сўз бойлигини оширишда яқиндан ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. О.Муминов. Инглиз тили лексикологияси. –Тошкент, “Мехридарё” нашриёти2006 йил. .-135 р.
2. Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси – Тошкент- Ўқитувчи, 1996-16с.
3. Granger C. Play games with English.-London, 1983.-74р.
4. Jill Hadfield. Advanced Communication Games.-Thomas Nelson, 1987.